

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Янгиарик туман хокимининг ўринбосари

Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи



Г.Аллаберганава

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш
учун танлов ҳужжати**

Янгиарик-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

2. Техник қисм

3. Нархлар қисми

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати.

1. Танлов предмети: “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-кизлар учун Бухоро шаҳрига туристик саёҳатлар калкуляция илова қилинади.

1.2. Танловнинг юкори қиймати –30 302 500(ўттиз миллион уч юз икки минг беш юз) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

1.6

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Янгиарик туман ҳокимлиги**(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистан, Хоразмвилоят Янгиарик туман ҳокимлиги.

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.2. Танлов **Янгиарик туман ҳокимлиги** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги

маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг
мўлжалланаётган хажми
(50 фоизданкам бўлмаган ҳолда);
Низом маблагининг миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлганишлар (хизматлар)ни бажариш билан
боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса,
танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга
эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат
берилмайди:

Қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қушилиши), тугатиши ёки банкротлик
афасида турганлар;
мол-мулкни мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий
иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий
ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар,
маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус
тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва
бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида,
хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний туловлар ва
бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган,
номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки
ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлар иложим.

4.3. Қуйидаги ҳужжатлар тулик бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш
ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат бита таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг
ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб
олиш ёки ўзгартириш қилиниши ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини
барча иштирокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна
5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси
йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот
порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар
қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган
тартибда голибиштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш

буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи дефт опилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йўл кўйилмайди.

Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси

Ш.Худойберганов

Туман ҳокимлиги ёрдамчи ҳисобчиси

М.Атажонов

Туман оила ва хотин-қизлар бўлими
етакчи мутахассиси

Э.Отабоев

Туман оила ва хотин-қизлар бўлими
етакчи мутахассиси

М.Сафаева

Туман ҳокимлиги касаба уюшмаси раиси

Д.Атажонов